

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ИМИНОВА МУФАЗЗАЛХОН МУЗАФФАР ҚИЗИ

**КЎРУВ АЪЗОСИНИНГ КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИДА
КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.08 – Офталмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Иминова Муфаззалхон Музаффар қизи

Кўрув аъзосининг коронавирус инфекциясида клиник –
иммунологик ўзгаришлари..... 3

Иминова Муфаззалхон Музаффар қизи

Клинико – иммунологические аспекты изменения
органа зрения при коронавирусной инфекции..... 22

Iminova Mufazzalkhon Muzaffar qizi

Clinical and immunological aspects of changes of the
organ of vision in coronavirus..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ИМИНОВА МУФАЗЗАЛХОН МУЗАФФАР ҚИЗИ

**КЎРУВ АЪЗОСИНИНГ КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИДА
КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.08 – Офталмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tib1675 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.eye-center.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Касимова Мунираҳон Садикжановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Иойлева Елена Эдуардовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Билалов Эркин Назимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли, 14-уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eye-center@inbox.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли, 14-уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eye-center@inbox.ru.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ф. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори,
катта илмий ходим

Ш.А. Джамалова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Каримова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра бугунги кунда коронавирус инфекциясининг асоратлари орасида офтальмологик патология 8% ни ташкил этишқил этади. Қатор олимлар олган натижалар асосида «... COVID – 19 патогенезида касалликнинг оғирлик даражасини белгилайдиган асосий омиллардан бири бу “цитокин бўрони” бўлиб, организмнинг актив иммун реакцияси, томирлар девори ўтказувчанлигининг ошиб кетиши ва бу ўз навбатида томир ичида диссеминацияланган қон ивиш жараёнларига олиб келади...»¹ дея фикр юритиш мумкин. COVID – 19 клиник кечишидаги ўткир респиратор синдром, организмдаги гипоксия даражаси, томир ичи диссеминацияланган ивиш синдроми иммун тизимидаги бузилишлар IL-6 активацияси билан боғлиқдир. Касалликнинг эрта даврида, кўрув аъзосида офтальмологик ўзгаришлар ҳали аниқланмаган ҳолатларда уларнинг клиник намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва булардан келиб чиққан ҳолда эрта ташхислаш ҳамда даво муолажаларини такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда COVID–19 билан боғлиқ асоратларни эрта ташхислаш ва даволаш сифатини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Касалликнинг эрта даврларида, кўрув аъзосининг клинко–функционал хусусиятларини баҳолаш; кўрув анализатори асоратларнинг турли шаклларида офтальмологик ва иммунобиокимёвий маркерларни аниқлаш, бу беморларда кўз олмасининг орқа қисм элементларини қаватма-қават визуализация усулларини қўллаган ҳолда кўрув аъзосининг қон томирлари ҳолатини баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш устувор вазифалардан ҳисобланади. COVID–19 нинг ўткир даврида кўрув анализаторининг патологик жараёнларини объектив баҳолаш усулларини такомиллаштириш зарур, бу эса касаллик этиопатогенезининг янги жиҳатлари ва патогенетик йўналтирилган даво услубларини ишлаб чиқиш жараёнида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, тиббий тизимни жаҳон андозаларига мослаштириш, кўз касалликларини эрта ташхислаш орқали асоратларни камайтириш бўйича қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакиллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан

¹ Ong S.W., Tan Y.K., Chia P.E., Air, surface environmental and personal protective equipment contamination by severe acute respiratory syndrome Coronavirus2//J.Am Med. Assoc.2020

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрьдаги 5590-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони

холда коронавирус инфекциясининг офталмологик асоратларини эрта аниқлаш, даво муолажаларини танлаш ва профилактика усулларини кенг қўлланилиши борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдам фаолиятини тизимини ташкил этиш ва моддий техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4649-сон «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекциясини кенг тарқалишини олдини олишга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланиши VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий адабиётлари шарҳи шуни кўрсатадики, SARS-CoV-2 вируснинг тўрпарда пигментли эпителийси хужайраларидан топилганлиги (Майчук Д.Ю., 2020; Онуфрейчук О. Н., 2020), бу эса ўз навбатида вируснинг кўрув органига тропизми борлигини белгилайди. COVID-19 нинг ўткир даврида кўзнинг олдинги қисм яллиғланиш касалликлари эрта ташхислаш мезонларини аниқлаган (Рябцева А.А., 2020; Ai T.,2020; Arabi F.A.2020; Chen N.2019;), COVID – 19 ўткир даврида олдинги қисм элементларининг яллиғланиш касалликлари учраши тўғрисидаги ғоя илгари сурилган эди, бироқ вақт ўтиши ва узоқ кузатишлар натижасида кўрув аъзосининг барча сегментларида ўзига хос асоратлар кузатилиши аниқланди. Касалликнинг ўткир даврида ва касалликдан кейинги даврда кўзнинг тромбоземболик асоратларда оптик когерент томография диагностик рўлини баҳолаш (Hashimoto M., 2019; Guan W.J.,2019;Hoffman N.,2020; Li.J.-P.O., 2020; Menni C., 2020; Song Z.) ҳамда бу асоратларни даволаш тактикасини йўлга қўйиш асосий мавзуларга айланди. Аммо COVID-19 ўткир даврида кўз ёшининг иммунобиокимёвий ўзгаришлари асосида офталмологик асоратларини прогношлаш етарлича ўрганилмаган.

Илмий адабиётларда келтирилаётган кўз ёш суюқлигида яллиғланиш ўткир фазасининг цитокинлари таркиби ўраганилганига қарамай (Vavinov N., 2020;) COVID-19 инфекцияси авж даврида офталмологик асоратларга олиб келадиган иммунопатогенетик жараёнлар ва офталмологик паталогиянинг бирламчи белгилари ўрганилмаган, COVID-19 инфекцияси авж даврида офталмологик асоратларни прогношлаш учун бирламчи белгилар келтирилган адабиёт маълумотлари топилмади. COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган беморларда касалликдан кейинги даврда тўр парда қон томирларидаги тромбоземболия ҳолатлари юзасидан ва бундай беморларнинг

оптик когерент томография натижалари келтирилган тадқиқотлар етарлича (Курбанов А.А., 2020; Илларионова А.Р.,2020;Casagrande M.,2020; Insaustia-Garcia A.,2020), бироқ COVID–19 инфекциясининг авж даврида офталмологик патология ривожланишига сабаб бўлиши мумкин бўлган, кўз олмасининг орқа қисм элементларининг ўзгаришлари, кўрув аъзоси тўқималарининг ишемия даражасини баҳоловчи илмий ишлар ҳақида маълумотлар йўқ. Шунингдек, COVID–19 инфекциясининг ўткир даврида кўз ёшининг биокимёвий хусусиятлари, кўз ёш суюқлигида С-реактив оқсил титрини аниқлаш ва кўрув анализаторининг патологик ҳолатларини прогнозлашга қаратилган илмий наشرлар топилмади.

Ўзбекистонда коронавирус инфекциясининг офталмологик асоратларини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва ушбу йўналиш бўйича бир қатор илмий наشرлар чоп этилган (Касимова М.С., Махкамова Д.К., Хамраева Г. Х., 2020; Билалов Э. Н., Орипов О. И., 2020; Боймурадов Ш. А., 2020), бироқ COVID – 19 нинг авж даврида кўрув анализаторининг клиник – функционал ҳолатини баҳолаш, ҳамда кўз ёш суюқлигининг иммунобиохимик кўрсаткичлари асосида COVID–19 инфекциясининг авж даврида офталмологик патологияни прогнозлашни илмий асослаган тадқиқотлар бажарилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, COVID–19нинг офталмологик асоратларини ташхислашда янги клиник–функционал тамойилларини яратиш, касалликнинг патогенетик сабаблари ва эрта ташхислаш муаммоларини ўрганиш ҳамда ва COVID–19 сабабли ривожланган офталмологик асоратларни даволаш схемаларини ишлаб чиқиш масаласи офталмологияда долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий тадқиқотлар иш режаси «Кўрув аъзоси патологик жараёнларини ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш» (2021-2027йй) доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади COVID – 19 инфекциясининг офталмологик асоратларини клиника – функционал ва иммунобиокимёвий таҳлиллар асосида эрта аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

COVID – 19 да офталмологик паталогия пайдо бўлишининг асосий хавф омилларини аниқлаш;

COVID – 19 да кўрув органининг шикастланишининг дастлабки белгиларини аниқлаш;

дифференциал ёндашув ва COVID – 19 инфекциясида офталмологик асоратларни башорат қилиш мезони сифатида кўз ёшида иммунобиокимёвий маркерлар ролини аниқлаш;

ОКТ – А асосида кўз олмасининг ангиоархитиктоникаси томирларининг ҳолатини ўрганиш;

COVID – 19 нинг ўткир даврида кўрув органи шикастланишининг диагностика алгоритми ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021 йил июнь ойидан 2022 йил июнь ойигача бўлган даврда «Зангиота – 1» иқтисослаштирилган кўп тармоқли клиникаси, Шахар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси офтальмология бўлими ва «Dialab» хусусий клиникасига мурожат қилган COVID – 19 инфекцияси тасдиқланган 101 та бемор (202 кўз) олинган ва назорат гуруҳига худди шу ёш, жинсли ва ёндош касалликлари бўлган 20 нафар (40 та кўз) шахслар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети COVID – 19 билан кассаланган беморларни касалликнинг авжд даврида кўрув анализаторининг клиник – функционал текширув натижалари, кўз олмасининг олнинги қисмининг мултимодал баҳолаш натижалари, ОКТ – А маълумотлари, кўз ёши ва қон зардобида яллиғланиш жараёнинг асосий маркерлари, кўз ёш суюқлигининг биохимик таркибини аниқлаш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, офтальмологик, лаборатор ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

COVID – 19нинг авж даврида барча беморларда 98.09% ҳолда кўрув аъзоси шикастланиши, кўз ёш суюқлиги ишлаб чиқарилишининг бузилиши кўринишида ва кўрув органларини тўқималарининг ишемия кўрсаткичи ўртасида корреляцион боғлиқлик аниқланган;

ОКТ – А усули ёрдамида кўз олмаси орқа сегментининг томирлари ҳолати организмдаги кучли яллиғланиш жараёни натижасида юзага келган нейроретинал ишемия даражаси аниқланган;

кўз ёш суюқлигида фаол яллиғланиш белгиси бўлган цитокинлар - IL – 6, TFN- α ва яллиғланиш ўткир фазасининг оксили С-реактив оксил титрларининг ортиши, эндотелиал хужайраларнинг беқарорлигига олиб келганлиги ва курув аъзосининг тўқималари шикастланиши негизида аутоиммун жараёнинг ўрни аниқланган;

кўз ёш суюқлигидаги қон таначалари: тромбоцит, нейтрофил, эозинофилларнинг ортиши гематоофтальмик барьернинг бузилганлиги ҳамда кўрув анализаторидаги қон томирларнинг эндотелиал дисфункцияси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

COVID – 19 инфекциясининг авж даврида кўрув органида асоратлар ривожланишининг офтальмологик ва иммунобиокимёвий ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

COVID – 19 авж даврида беморлар шикоятлари бор ёки йўқлигидан қатъий назар куруқ кўз синдроми аниқланган ва бу курсаткич кўрув анализаторинг ишемик индекси билан боғлиқлиги аниқланган, қуйидагилардан келиб чиқиб инфекциясининг авж даврида офтальмологик назорат мезонлари ишлаб чиқилган;

кўз ёши ва қон зардобидаги иммунбиокимёвий таҳлиллар асосида COVID – 19 инфекциясининг офтальмологик асоратлари патогенези негизида аутоиммун жараён аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар аниқланган;

коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволовчи ихтисослашган шифохоналар шифокорлари учун респиратор ёрдамга муҳтож беморларда турли этиологиялик “қизил кўз синдроми”ни эрта диагностикаси ва даво тактикасини танлаш учун диагностика алгоритими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда амалий усуллардан фойдаланиш, беморларнинг сонининг етарлилиги, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, офтальмологик, иммунбиокимёвий, нур ташхислаш, статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, шунингдек COVID – 19 инфекциясида тўқималарнинг шикастланиши олинган натижалар халқаро ва маҳаллий тажриба билан тақослаш билан тасдиқланган, хулоса ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти, COVID – 19 инфекцияси авж даврида кўз ёш суюқлигининг ишлаб чиқарилиши бузилиши, кўз ёшида IL-6, TFN ва С-реактив оксил титрларининг ортиши касаллик патогенезида аутоиммун ҳолат аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, COVID – 19 инфекциясида офтальмологик асоратлар мавжудлигидан қатъи назар, оптик когерент томография, иммунбиокимёвий таҳлиллар натижасига таянган ҳолда кўрув аъзосидаги ўзгаришларни ташхислаш ва патогенетик йўналтирилган даво тактикасини танлаш, даво самарадорлигини ошириш, ногиронлик ва паст кўриш кўрсаткичларини пасайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий этилиши. Коронавирус инфекциясида курув органининг клиник – иммунологик текширувлари асосида бажарилган илмий тадқиқотлар натижаси асосида:

COVID – 19 билан ташхисланган беморларда кўрув аъзосининг зарарланишини ташхислаш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижаларида асосида ишлаб чиқарилган «Коронавирус инфекциясида кўрув аъзосидаги ўзгаришларнинг қиёсий таҳлили» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 1 апрельдаги 8н-р/13000 сон маълумотномаси). Мазкур тавсияномада COVID – 19 инфекцияси авж даврида касалликни оғирлик даражасидан келиб чиққан ҳолда кўрув органларидаги ўзгаришлар ва клиник – биохимик таҳлиллар натижалари келтирилган бўлиб, кўз ёш суюқлиги таҳлиллари асосида офтальмологик асоратларни башорат қилишга имкон берган;

COVID – 19 билан касалланган беморларни ташхислаш усулини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «COVID – 19 кўз ёш суюқлигини ишлаб чиқарилишини камайиши клиник – функционал баҳолаш» номли услубий

тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 1 апрельдаги 8н-р/299 сон маълумотномаси). Мазкур тавсияномада курув органида кўз ёш суюқлиги ишлаб чиқарилишининг бузилиши кўрув органлари тўқималаридаги ишемия натижасида юз бераётгани исботланган, қуйидагилар коронавирус инфекциясида офтальмологик асоратларни эрта аниқлаш ва патогенетик йўналтирилган даво тактикасини танлашга имкон берган;

COVID – 19 билан ташхисланган беморларда клиник – патогенетик ва даволаш жиҳатлари шакилланишида иммунологик тешириш усуллари асослаш натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, шу жумладан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий – амалий тиббиёт марказининг Термез ва Самарқанд филиалари амалиётига тадбиқ этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 27 апрель 2022 йилги №8н-р/198 сон маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этиш натижасида COVID – 19 инфекциясининг офтальмологик асоратлари диагностикасини такомиллаштиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий – амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Диссертация ишининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий ишлар нашр этилган бўлиб, улардан 8 таси мақола, 5 таси республика ва 3 таси халқаро журналларда, барчаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этаган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зурурияти асосланган бўлиб, мақсади, объекти ва предмети аниқ кўрсатиб берилган. Диссертация иши Ўзбекистон Республика фан – техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг илмий амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация иши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**COVID – 19 нинг офтальмологик асоратлари ҳақида замонавий ғоялар**» (адабиётлар шархи) деб номланган биринчи бобида муаммонинг ҳозирги тушунчаси, коронавирус инфекциясида кўрув аъзосинининг диагностикаси ва асоратларни башорат қилишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий таснифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида 2021-

2022 йиллар оралиғида «Зангиота – 1» коронавирус инфекциясини даволаш учун ихтисослаштирилган клиника, Шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси ва ООО “Dialab” клиникасида даволанган COVID – 19 билан боғлиқ офтальмологик патологияси бўлган ҳамда офтальмологик шикоятлари бўлмаган беморларни ўрганиш маълумотлари келтирилган.

Беморларда шикоятлари, касаллик анамнези, ёндош касалликлари ўрганилган. Тадқиқотда умумий (визометрия, офтальмоскопия, биомикроскопия, кўз олмасининг ҳаракатини баҳолаш, Ширмер синамаси ва LasyDiag ускунасида кўз ёш суюқлиги ҳосил бўлишини баҳолаш) ва махсус (оптиккогерент томография ангиография) офтальмологик тадқиқот усуллари, радиологик текширув усуллари (МРТ, МСКТ ва РДК) ва лаборатор тадқиқот усуллари (ИФА, қоннинг биокимевий таҳлили, коагулограмма, батафсил иммунограмма, қондаги айланма иммун комплексларни аниқлаш, кўз ёш суюқлигида ялғаниш цитокинлари, кўз ёш суюқлигини цитологик таркиби ва СРО титрини аниқлаш) утказилган.

Диссертациянинг “**Коронавирус инфекциясининг офтальмологик кўринишларининг клиник тавсифи**” деб номланган учунчи бобида COVID – 19 тасдиқланган 41 нафар офтальмологик патологияси бўлган ва 60 нафар офтальмологик шикояти бўлмаган беморларда COVID – 19 ўткир даврида кўрув органи ҳолатини ўрганиш натижалари келтирилган.

Биринчи гуруҳ беморлари офтальмологик нозология бўйича қуйидагича тақсимланган: конъюнктивитлар – 8 (19,5%) беморларда, герпетик кератит – 4 (9.7%), иридоциклит – 2 (4.8%), ўткир увеит – 4 (9.7%), гемофтальм – 3 (7.35%), тўр парда марказий артериясида қон айланишининг ўткир бузилиши – 2(4.8%), тўрпарда марказий венасида қон айланишининг ўткир бузулиши – 3 (7.3%), нейроваскулит – 2 (4.8%), кўрув нерви неврити – 4 (9.7%), каверноз синус тромбози – 7 (16.7%), нейроувеит – 2 (4.8%) беморларда учраган.

Қуйидаги малумотларга кўра, беморларнинг аксариятида (76%) офтальмологик патология яллиғланиш характериға эғалиғи аниқланган.

МСТК текширувига асосан касаликнинг оғирлик даражаси 23 та беморда оғир, 15 та беморда ўрта оғир ва 3 тасида енгил даража деб белгиланган.

Беморларда қуйидаги ёндош касалликлар аниқланди (1-жадвал.)

1-жадвал

COVID – 19 индукцияланган офтальмологик патологиялик беморларнинг ёндош касалликлари

Нозология	Р	Р(х)
Артериальная гипертония	15	36,5
Қандли диабет	4	9,7
ТТ анемия	8	19,5
Ревматизм	2	4,8
Риносинуситлар	6	14,6
Ёндош касалликларсиз	6	14,6
Жами	41	100

Жадвалдаги маълумотларга асосан АГ ҳамда ҚД нинг устунлигини кузатиш мумкин. Лекин, гуруҳда ёндош кассаликлари бўлмаганлар фоизи юқорилиги, COVID – 19 офтальмологик паталогиянинг патогенетик механизмлари етарли даражада ўрганилмаганлигини кўрсатади.

Шох парда сезувчанлиги баҳолаш жараёнида офтальмологик паталогия туридан қатъий назар барча беморларда шох парда сезувчанлигининг пасайиши кузатилган.

Ширмер – 1 ва Ширмер – 2 синамасини кўрсаткичлари пастлиги аниқланган, биринчи гуруҳ беморларида иккала кўзида ҳам Ширмер – 1 синамасининг ўртача кўрсаткичлари $4,9 \pm 1,1$ мм, Ширмер – 2 синамаси $2,3 \pm 1,1$ мм ташкил этган.

Кўз ёш пленкаси ҳосил бўлишини баҳолаш мақсадида LacryDiag қурулмасида барча беморларда кўз олмаси олдинги қисми текширувдан ўтказилган.

2-жадвал

Биринчи гуруҳ беморларининг LacryDiag кўрсаткичлари.

Параметры	1-чи гуруҳ n=42 кўз		Контроль n=40 кўз	
	OD	OS	OD	OS
Кўз ёш пленкасининг ноинвазив ёрилиш вақти	$7,0 \pm 0,05^*$	$6,7 \pm 0,02^*$	$19,1 \pm 0,02$	$19,1 \pm 0,02$
Ёғ қатлами	$28,5 \pm 0,03^*$	$28,3 \pm 0,21^*$	$35,1 \pm 0,1$	$36,2 \pm 0,02$
Пастки мейбография (%)	$17,2 \pm 0,21^*$	$18,2 \pm 1,0^*$	$18,9 \pm 0,02$	$17,5 \pm 0,2$
Юқори мейбография (%)	$18,2 \pm 0,12^*$	$10,7 \pm 0,21^*$	$19,1 \pm 0,02$	$18,5 \pm 0,03$
Кўз ёш мениски баландлиги	$0,23 \pm 0,78^*$	$0,19 \pm 0,23^*$	$1,10 \pm 1,002$	$1,2 \pm 0,23$

Кўз ёш пленкаси ҳосил бўлишининг таҳлили шуни кўрсатдики, COVID -19 инфекциясида офтальмологик паталогиянинг генези, беморнинг ёши, касалликнинг оғирлик даражасидан қатъий назар беморларда кўз ёш пленкасининг ҳосил бўлишининг ҳар поғонасида бузилишлар кузатилиши аниқланган.

Иккинчи гуруҳ COVID – 19 инфекциясида офтальмологик паталогиясиз беморларда кўрув аъзосининг ҳолатини баҳолаш коронавирус инфекциясини даволаш учун мўлжалланган “Зангиота – 1” клиникасида ўтказилган. Ушбу гуруҳни 30 та асосий кассаликнинг ўрта оғир даражали бемор, 30 та оғир даражали беморлар танлаб олинган. Барча беморлар респиратор ёрдамнинг турли усулларига муҳтож бўлишган.

Беморларнинг ёндош касалликлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Иккинчи гуруҳ беморларининг ёндош касалликлари

Нозология тури	Беморлар сони	Ўрта даража	Оғир даража
Артериал гипертензия	33 (55%)	14	19

Қандли диабет 2- тур	27 (45%)	16	11
Артериал гипертензия + Қандли диабет	18	7	11
Жами	60 (100)	30 (50%)	30 (50%)

COVID – 19 инфекцияси авж даврида кўрув органларининг клиник – функционал анализи натижасида барча беморларда 100% шох парда сезувчанлигининг пасайиши, жумладан 23% да сезувчанликнинг пасайиши, 77% шох парда сезувчанлигининг йўқлиги аниқланган.



1-расм. COVID – 19 ўрта оғир даражали беморларнинг шох парда сезувчанлиги бузилиши.



2-расм. COVID – 19 оғир даражали беморларнинг шох парда сезувчанлиги бузилиши.


Ширмер синамаси билан кўз ёш ҳосил бўлиши текширилганда беморларда кўз ёш ҳосил бўлиши назорат гуруҳига нисбат турғун пасайиши

кузатилган. Ширмер 1 синамасининг ўртача кўрсаткичлари - $6,9 \pm 1,6$ мм; Ширмер 2 синамасининг ўртача кўрсаткичи $4,8 \pm 1,5$ мм ташкил этган ($p < 0.05$) t критерий бўйича назорат гуруҳига нисбатан.


Касалликнинг ўрта оғир даражали беморларга рангли доплер каротидлаш усули билан кўз олмаси тўқималарининг ишемия индекси баҳоланган. Гемодинамик кўрсаткичлар таҳлили давомида КА кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат бўлган: энг юқори систолик тезлик $33,87 \pm 3,9$ см/с., сўнги диастолик тезлиги $7,4 \pm 0,5$ см/с. ташкил этган. Резистивлик индекси кўрсаткичи 0.71 ± 0.09 . Ички уйқу артериясининг кўрсаткичлари: юқори систолик тезлик $51,2 \pm 2,3$ см/с., сўнги диастолик тезлик $14,8 \pm 2,1$ см/с. Резистив индес (RI) кўрсаткичи 0.79 ± 0.03 ташкил этган. Ишемия коэффциенти ўртача $0,89 \pm 0,01$ тенг бўлган.

Коронавирус инфекцияси оғир кечган беморларга ҳам рангли доплер каротидлаш текшируви ўтказилган ва қуйидаги натижалар олинган: КА энг юқори систолик тезлиги $34,01 \pm 4,1$ см/с., сўнги диастолик тезлиги $7,2 \pm 0,6$ см/с. Резистивлик индекси (RI) $0,72 \pm 0.09$ га тенглиги аниқланган. Ички уйқу артериясининг гемодинамик параметрлари таҳлилида энг юқори систолик тезлик $52,4 \pm 1,8$ см/с., сўнги диастолик тезлиги $15,1 \pm 1,9$ см/с.га тенглиги аниқланган. Шунга кўра, резистивлик индекси $0,81 \pm 0.03$ ташкил этган. Ишемия коэффциенти ўртача $0,88 \pm 0,03$ тенг бўлган.

1 ва 2 гуруҳ беморларининг ишемия коэффциенти ($0,89 \pm 0,01$ и $0,88 \pm 0,03$) ҳамда Ширмер синамаси натижалари ($5,6 \pm 1,2$ мм и $6,9 \pm 1$) ўртасида солиштириш таҳлили ўтказилганда кучли корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланган.



3-расм. 1 чи гуруҳ ишемия коэффциенти ва Ширмер синамаси ўртасидаги корреляцион боғлиқлик.



4-расм. 2 – гуруҳ ишемия коэффицентлари ҳамда Ширмер синамаси ўртасидаги корреляцион боғлиқлик.

Кўз ёш пленкаси ҳосил бўлишида бузулиш турини аниқлаш учун LacryDiag қурилмасида кўз олдинги қисми текширилган ва кўз ёш пленкаси шаклланишинг барча 4 та поғонасида бузулишлар аниқланган.


4-жадвал

COVID – 19 инфекцияси билан касалланган беморлар LacryDiag таҳлил натижалари

Кўрсаткичлар	Оғир даража n=60 кўз		Ўрта даража n=60 кўз		Назорат n=40 кўз	
	OD	OS	OD	OS	OD	OS
Кўз ёш пленкаси йиртилиш вақти (сек)	6±0,01*	6±0,10*	7,1±0,02*	6,9±0,1*	19,2±0,02	18,1±0,02
Интерферометрия, (мкм)	26±0,18*	27,2±0,32*	28,7±0,056*	27,2±0,12*	65,24±0,01	66,2±0,54
Пастки мейбография (%)	17,45±0,13*	17,30±0,22	18,90±0,05*	17,01±0,02*	20,13±0,21	21,03±0,12
Юқори мейбография (%)	20,76±0,1*	20,05±0,02*	21,5±0,25*	21,1±0,2*	22,31±0,01	21,2±0,3
Кўз ёш мениски баланлиги	0,11±0,5*	0,10±0,01*	0,19±0,05*	0,20±0,01*	1,0±0,02	1,1±0,01

Коронавирус ўткир даврида офтальмологик шикоятлари бўлмаган 21 та (42 кўз) беморнинг ОСТ – А текшируви натижалари қуйидагича акс олган: пара – ҳамда перифовеоляр соҳалар бўйича капилляр тўрининг ўртача зичлигининг пасайиши кузатилган. Ушбу ҳолат изоляцияланган ретинал

ишемия сифатида баҳоланган. Хориоиденинг патологик кенгайиши 39 та кўзда аниқланган (456 ± 25 мкм, $p = 0,05$), назорат гуруҳига нисбатан хориоидал қаватларнинг кенгайиши аниқланган (320 ± 90 мкм, $p = 0,05$).



5-расм. Иккинчи гуруҳ беморининг ОСТ – А текшируви. Аваскуляяр зонанинг кенгайиши ҳамда хориоидеянинг Саттлер ва Галлер қаватларининг патологик кенгайиши.

Диссертациянинг “COVID – 19 инфекциясида кўрув органининг иммунологик ўзгаришлари” тўртинчи бобида беморларнинг кўз ёш суюқлиги ва қон таҳлиллари натижалари келтирилган.

Беморларнинг кўз ёш суюқлигидаги қон таначалари хусусида 5 жадвалда келтирилган маълумотларга кўра биринчи гуруҳ беморнинг кўз ёш суюқлигида лимфоцитлар улуши соғлом инсонларга нисбатан юқорилиги аниқланган. Худди шундай тенденция сегментланган нейтрофиллар сони бўйича қайд этилган, бу қон томир эндотелиал хужайраларининг дисфункцияси туфайли гематоофтальмик тўсиқнинг юқори ўтказувчанлигини кўрсатади. Беморларнинг кўз ёш суюқлигидаги тромбоцитларнинг юқори кўрсаткичлари ҳам эндотелиал хужайраларнинг дисфункцияси билан боғланган. Тромбоцитларнинг фаоллиги қон томирларда бошқа хужайралар билан биргаликда микротромблар ҳосил бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Таъкидлаш жойизки, кўз ёш суюқлигида энг юқори кўрсаткичлар эозинофиллар сонига нисбатан қайд этилган, айниқса касалликнинг оғир кечиши ва ўпка тўқимасининг шикастланиши юқори бўлган беморларда. Маълумки, эозинофиллар биологик актив субстрат – гепарин ташувчи хужайрадир, гепарин қоннинг суюқлик даражасига жавоб беради, брадикининг, гистамин ва бошқа эндоген омиллар билан кўзғатилган томирларнинг ўтказувчанлигини пасайтиради ва шу билан турғунликни ривожланишига тўсқинлик қилади. Организмнинг бу адаптив реакцияси тромбоцитлар тизимининг фаоллашуви фонида капиллярларда қон айланишини яхшилашга қаратилган.

5-жадвал

COVID – 19 инфекцияси билан касалланган беморлар кўз ёш суюқлигининг цитологик таркиби

Кўрсаткичлар	Назорат n=40 кўз	1 гуруҳ n= 82 кўз	2 гуруҳ n=120 кўз
--------------	---------------------	----------------------	----------------------

OD лимфоцит	abs	4,05± 0,80	6,65 ±1,58
OS лимфоцит	Abs	4,13± 0,61	5,15 ±0,03
OD Сегмет. ядер	Abs	2,38± 0,65	4,11 ±1,07
OS Сегмент.ядер	Abs	3,63± 1,12	4,63± 0,97
OD тромбоцит	Abs	5,75 ±2,17	10,35± 1,59
OS тромбоцит	Abs	4,67 ±2,14	10,10 ±1,47
OD эозинофил	Abs	2,00± 0,01	2,43 ±0,72
OS эозинофил	Abs	1,00± 0,01	1,70± 0,37
OD моноцит	Abs	2,00± 0,01	14,75± 12,34
OS моноцит	Abs	1,00± 0,01	1,70 ±0,37

Изох: * - назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан факнинг фарқнинг ишончилиги P<0,05

6-жадвал

Кўз ёш суюқлигида IL-6 в TNF – α кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат n=40 кўз	1гуруҳ n=82 кўз	2 гуруҳ n=120 кўз
IL-6	0,80 ±0,10	12,56 ±2,62*	4,92± 0,49*
TNF – α	1,33 0,10	9,97± 2,76*	3,78 ±0,16*

Изох: * - назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан факнинг фарқнинг ишончилиги P<0,05

Тақдим этилган маълумотларга кўра (6-жадвал) кўришиб турибдики, COVID – 19 билан касалланган офтальмологик патологияси бор беморларнинг кўз ёш суюқлигида IL-6 цитокининг концентрацияси назорат гуруҳига нисбат 13 баробар, офтальмологик шикоятлари бўлмаган беморлар кўз ёш суюқлигида назорат гуруҳига нисбатан 5 баробар ортгани келтирилган. TNF – α кўрсаткичи 1 чи гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 10 баробарга, 2 чи гуруҳда 3 баробарга ошганлиги қайд этилади. TNF – α ва IL-6 концентрацияси ошиши тўқималарда яллиғланиш жараёнини кучайтиради ва тўқималарнинг шикастланишини оширади, яъний ушбу цитокинлар касаллик кечишини башорат қилувчи, касалликнинг оғирлик даражаси белгиловчи ҳамда юқори концентрацияларда организмда аутоиммун яллиғланиш процесси кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Яллиғланишнинг дастлабки белгиси C- реактив оксилнинг кўплаб мамлакатларда COVID – 19 нинг диагностик стандартларига киритилган бўлиб, касаллик бошланганидан кейин 8 соат ичида юқори даражаларга ётади. Кўз ёш суюқлигидаги C – реактив оксилни ўрганиш яллиғланиш жараёнининг тарқорлик ҳамда касалликнинг оғирлик даражасини белгилайди. Организмнинг иммун тизими C – реактив оксилнинг кўз ёш суюқлигида ҳам кутарилишига асос бўлади.

7-жадвал

**Беморларнинг кўз ёш суюқлигидаги С – реактив оксилнинг
концентрацияси**

Кўрсаткичлар	Назорат, n=40 кўз	1 гуруҳ, n=82 кўз	2 гуруҳ n= 120 кўз	
			С.ст. n=60	Т.ст.n=60
СРО OD	0,30± 0,11	2,00 ±0,28*	3,25 ±0,26*	2,73 ±0,33*
СРО OS	0,20± 0,09	1,67± 0,33*	3,10± 0,25*	1,96± 0,17*

Изоҳ: * - назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан факнинг фарқнинг ишончилиги P<0,05

Тадқиқот натижаларига кўра 7-жадвалда COVID – 19 билан касалланган беморларда С – реактив оксилнинг кўз ёшидаги концентрацияси назорат гуруҳига нисбатан ошганлигини кўрсатилаётган. Бу эса ўз навбатида беморларда офталмологик паталогия бор ёки йўқлигидан қатъий назар локал яллиғланиш жараёни барча текширилган кўзларда кузатилаётганидан далолат беради.

8-жадвал

**COVID – 19 билан оғриган беморларнинг қон ҳужайравий имунитети
таҳлили**

Кўрсаткич	Назорат n=20	1 гуруҳ n=31	2 гуруҳ n=60	
			Ўр.др. n=30	Оғ.др n=30
CD3+, %	51±1,02	54,69±1,85*	49,21±0,2*	40,12±0,23*
CD4+, %	35±0,24	30,56±1,15*	30,89±1,02*	28,15±0,32*
CD+8, %	24±0,32	24,13±1,01*	24,9±0,32*	21,32±0,32*
ИРИ	1.8±0,2	1,9±1,02	1,0±0,36*	0,9±0,08*
CD16+, %	15±0,025	16,25±0,75*	17±0,56*	19,9±0,10*
CD20+, %	26±0,12	22,5±0,79*	20,01±0,21*	21,2±0,32*

Изоҳ: * - назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан факнинг фарқнинг ишончилиги P<0,05

Беморларнинг ҳужайравий имунитети таҳлил қилинганда 8-жадвалда кўриш мумкин CD3 кўрсаткичи 1 чи гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан кўтарилганлигини кўрсатади, бу эса имунитетнинг вирусли касалликларидаги гиперактивацияси кўрсаткичи ҳисобланади. CD3 кўрсаткичининг 2 чи гуруҳ беморларида касалликнинг оғирлик даражасига монанд пасайганлигини кўриш мумкин, бу эса ўз навбатида имунитетнинг эффектор – босқичининг етишмовчилигини кўрсатади. Бу ҳолат организмнинг оғир яллиғланиш жараёнларида кузатилиб, иммун тизимниг етишмовчилигидан далолат беради.

9-жадвал

COVID – 19 беморларда қоннинг интерферон кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат	1 гуруҳ	2 гуруҳ n=60	
			Ўр.драража	Оғ. Даража

	n=20	n=41	n=30	n=30
α –интерферон	2,01±0,3	10,52±0,36*	7,53±0,57*	3,2±0,01*
γ – интерферон	1,9±0,25	9,33±0,54*	9,82±0,99*	2,5 ±0,25*

Изоҳ: * - назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан факнинг фарқнинг ишончилиги P<0,05

Қуйда келтирилган маълумотлар биринчи гуруҳ ва иккинчи гуруҳнинг ўрта оғир даражали беморларининг ИТФ кўрсаткичларини сезиларли даражада ошганлиги, бу эса ўз навбатида кучли вирусли юкламага организмнинг жавоб реакциясини кўрсатади. Бироқ, иммун тизимининг ушбу реакцияси келгусида ИТФ кўрсаткичларининг етишмовчилигига олиб келиши мумкин, исбот тарийқасида иккинчи гуруҳ касалликнинг оғир даражали беморларининг ИТФ ҳолатида кузатиш мумкун. Иккинчи гуруҳ оғир даражали беморларининг кўрсаткичлари иммунодепрессив ҳолат деб баҳоланиб, оғир кечувчи яллиғланиш жараёнларида, инфекция персистенциясида, сурункали инфекцион ҳолатларда, узоқ даврда иммунодепрессантлар қабулида кузатилиши мумкун. Бизнинг тадқиқотимизда ушбу ҳолат юқори вирусли юклама билан боғлиқ.

Қоннинг биокимевий кўрсаткичлари таҳлили (10-жадвал) доирасида COVID – 19 инфекцияси билан касалланган беморлада 27% АЛТ ва 32% АСТ ферментларининг кўрсаткичлари кўтарилганини кузатиш мумкун. Ушбу ҳолат асосан олинган даво муолажалари, гепатотоксик дори воситалар (статинлар) таъсирида жигарнинг детоксикацион функцияси ва гепатоцитларнинг микросомал функциясининг пасайганлиги натижаси деб баҳоланган.

10-жадвал

COVID – 19 билан касалланган беморлар қонинг биокимевий таҳлили

Кўрсаткичлар	Назорат n=20	1 гуруҳ n=41	2 гуруҳ n=60
общий белок	74,24 ±1,36	70,51± 1,16*	70,21± 1,08*
Глюкоза	4,35± 0,08	5,51± 0,41*	8,32 ±0,88*
Мочевина	5,27± 0,35	7,29± 0,47*	8,06 ±0,76*
Креатинин	84,43± 3,28	88,42± 5,02	89,47± 3,39
Билирубин	9,25± 0,87	16,85± 1,40*	34,09± 9,79*
билир. Тўғри	4,75 ±0,42	4,30± 0,41	6,48± 1,07
билир.боғланган	1,74 ±0,24	1,63 ±1,23*	4,06 ±1,85*
АЛТ	21,41± 1,85	49,49± 8,34*	42,47± 6,23*
АСТ	20,25± 1,26	44,83± 5,26*	37,81± 4,95*

Изоҳ: * - назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан факнинг фарқнинг ишончилиги P<0,05

Қон ивиш кўрсаткичларининг таҳлили натижасида протромбин вақтининг юқорилиги COVID – 19 нинг оғирлик даражасига монан ўсганлигини кузатиш мумкун, бу эса ЎРДС ривожланиш хавф омили сифатида баҳоланади.


Тадқиқотимизда кон таркибида нетрофилларнинг юқори даражаси қайд этилган, хужайрадан ташқари кон нейтрофил хосилмаларинг кўпайиши кўринишида. Бу ҳолат тадқиқотда (ТВҚА) тромбопластик вақтнинг қисман активациясининг ортиши билан кузатилган.

Фибриноген – “яллиғланиш ўткир даври оксиди”, фибриногеннинг юқори титрлари IL – 6 цитокини билан корреляцион боғлиқлиги исботланган.

Томир – тромбоцитар гомеостази ва плазма босқичи ҳолатини қон ивиш давр таҳлил қилиш натижасида баҳолаш мумкун. Тадқиқот натижасида қон томир – тромбоцитар гомеостази босқичидаги ўзгаришлар тромбоцитлар гипофункцияси ҳамда эндотеллиал дисфункцияси кузатилган, бундан ташқари қоннинг плазма босқичидаги тромбопластик вақтнинг қисман активацияси кузатилган.

Олиб борилган тадқиқот натижасида ихтислаштирилган стационарлар шифокорлари учун, COVID-19 инфекцияси авж даврида беморларни олиб бориш тактика ва диагности алгоритми ишлаб чиқилган расм 6.

Ушбу алгоритм асосида “қизил кўз” синдроми бўлган беморларининг кўз олмасининг олдинги қисим ҳолати баҳоланади. Кўз ёш суюқлигининг ишлаб чиқарилишининг пасайган беморларга сунъий кўз ёш препаратлари тавсия этилади, кўз ёш суюқлигининг ишлаб чиқарилиши бузулишининг оғир даражасида бирламчи офтальмолог кўриги ва СРО титрларини аниқлаш учун кўз ёш таҳлили тавсия тавсия этилади. Натижада хавф омилларини баргараф қилиш орқали COVID-19 нинг офтальмологик асоратларини бирламчи профилактикаси амалга оширилган.



Расм 6. COVID -19 инфекцияси ўткир даврида беморларни

ХУЛОСА

Фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун “Коронавирус инфекциясида кўрув органларинг клини – иммунологик ўзгаришлари” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Офтальмологик паталогиянинг пайдо бўлишининг хавф омиллари аниқланган, жумладан барча беморларда кўз юзасидан намликнинг буғланишини оширадиган фаол – респиратор ёрдам кўз ёшининг осмолярлигининг ошиши ва кўз ёш плёнкасининг ҳосил бўлишининг бузилишига олиб келади. Хориоидал томирларнинг патологик кенгайиши, иккала гуруҳ беморларида хориокапиллярлар қатламида микроциркуляциянинг бузилиши COVID – 19 дан кегинги даврда пахихориоидан касалликларнинг сабабчиси деб баҳоланди.

2. Коронавирус инфекцияси ўткир даврида кўрув органининг шикастланишларининг дастлабки белгилари аниқланди, улар офтальмологик паталогия мавжудлиги, ёндош касалликлар, асосий касалликнинг оғирлик даражасидан катъий назар шох парданинг сезгирлигини пасайиши, кўз ёш суюқлиги ажралишининг бузулиши, кўз ёш пленкаси ҳосил бўлишининг бузилиши кўрув органи тўқималарида кечаётган ишемиянинг ҳосили деб белгиланди

3. Кўз ёш суюқлигидаги яллиғланиш цитокинлари IL – 6 ва TFN – α кассаликнинг оғирлик даражасига монанд ортиши кузатилган. 1 гуруҳ беморларида кўз ёш суюқлигининг IL – 6 нинг ўрта оғир даражали беморларда ўртача кўрсаткичи 4.92 ± 0.49 пг/мл, оғир даражада 12.56 ± 1.62 пг/мл ташкил этган. TFN – α кўз ёш суюқлигида ўрта оғир даражали беморларда - $8,12 \pm 0,34$ пг/мл, оғир даражада $14,9 \pm 0,17$ пг/мл ташкил этган. IL – 6 ва TFN – α цитокинларининг юқори кўрсаткичлари қон томир деворларининг нейтрофиллар учун ўтказувчанлигин оширади, нетрофиллар ўз навбатида кислороднинг актив турларини ҳосил қилиш йўли билан тўқималарни шикастланишига сабаб бўлади. Қонинг вирусга қарши иммунитетини 1 гуруҳ беморларида α -глобулин - $10,52 \pm 0,36^*$, γ - глобулин - $9,33 \pm 0,54^*$, 2 гуруҳ беморларида α -глобулин - $3,2 \pm 0,01^*$, γ - глобулин - $2,5 \pm 0,25^*$ ташкил этган. Касалликнинг ўртада даражасида вирусга қарши иммунитет фаоллашгани, оғир даражали беморларда иммун тизимининг зўриқиши кучли вирусли юклама билан изоҳланган. Кўз ёшининг биокимёвий тахлилида СРО кўрсаткичлари иккала гуруҳ беморларида ҳам турғрун ортиши 1 гуруҳда - $2,00 \pm 0,28^*$, 2 гуруҳда - $3,25 \pm 0,26^*$ локал яллиғланиш жараёнидан далолат беради. Кўз ёш суюқлигидаги қон таначалари: нейтрофил, лимфоцит, эозинофил, тромбоцитлар мавжудлиги гематоофтальмик барьерни эндотелиал дисфункция натижасида бузулганлигидан далолат бериши тасдиқланган.

4. COVID -19 инфекцияси ўткир даврида ўтказилган ОСТ – А текшируви натижасида барча беморларда хориоидеянинг назорат гуруҳига нисбатан патологик кенгайиши аниқланган ($370,3 \pm 59,5$ мкм ва $210,9 \pm 52,4$ мкм)

($p < 0,0001$). Хориоидал ўрта ва катта қон томирлар деворларининг ўтказувчанлиги ошгани, хориокапилляр қаватда микроциркуляция ёмонлашганини кўрсатган.

5. COVID -19 билан касалланган актив респиратор ёрдамга муҳтож бўлган беморлар ва турли этиологиялик “қизил кўз” синдроми мавжуд бўлган беморларни бошқариш бўйича коронавирус инфекциясини даволашга ихтисослаштирилган шифохоналар шифокорлари учун диагностика алгоритми ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга тадбиқ этилиши натижасида, беморларда офтальмологик паталогия ривожланиши эрта аниқлаш ҳамда COVID -19 дан кегинги даврда офтальмологик асоратларни олдини олишга эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.04/30.01.2020.ТІВ.105.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ
МИКРОХИРУРГИИ ГЛАЗА**

**ЦЕНТР РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КВАЛИФИКАЦИИ
МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ**

ИМИНОВА МУФАЗЗАЛХОН МУЗАФФАР КИЗИ

**КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИЗМЕНЕНИЯ
ОРГАНА ЗРЕНИЯ ПРИ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ**

14.00.08 – Офтальмология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2023

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам
зарегистрированная Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров
Республики Узбекистан за № В2021.1.PhD/Tib1675**

Диссертация выполнена в Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников.

Автореферат диссертации размещён на трех (узбекском, русском, английском (резюме)) языках веб-сайта Научного совета (www.eye-center.uz) и информационно образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Касимова Мунирахон Садикжановна доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Иойлева Елена Эдуардовна доктор медицинских наук, профессор (Российская Федерация) Билалов Эркин Назимович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Самаркандский медицинский университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 при Республиканском специализированном научно – практическом медицинском центре микрохирургии глаза, которое будет проведено «___» _____ 2023года в ___ часов. Адрес: 100173, г. Тошкент, Учтепинский район, Кичик халка йўли, 14. Тел.: (+99871) 217-49-34; факс: (+99871)217-49-37; e-mail: eye-center@inbox.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно – ресурсном центре Республиканского специализированного научно –практического медицинского центра микрохирургии глаза (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100173, г. Тошкент, Учтепинский район, Кичик халка йўли, 14. Тел.: (+99871) 217-49-34; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eye-center@inbox.ru.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2023года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2023 года).

А.Ф. Юсупов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук

Ш.А. Джамалова

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, доцент

М.Х. Каримова

Председатель научного семина при научном
совете по присуждению научных
степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) офтальмологические осложнения COVID-19 составляют 8% из всех осложнений. В соответствии с современными представлениями «...В патогенезе COVID – 19 одним из основных поражающих факторов является извращенный иммунный ответ с развитием «цитокинового шторма»³ и нарушением свертываемости крови с запуском внутрисосудистого диссеминированного свертывания...» Основные клинические проявления в виде острого респираторного синдрома, уровень гипоксии в организме, синдром внутрисосудистого диссеминированного свертывания и извращенный иммунный ответ связан с активацией ИЛ – 6. Актуальной проблемой на сегодняшний день является выявление офтальмологических признаков поражения органа зрения в раннем периоде заболевания, по появления специфических симптомов офтальмологических заболеваний.

На сегодняшний день во всем мире уделяется особое внимание клиничко – диагностическим аспектам COVID-19, а также оптимизации способов лечения и профилактики. При этом приоритетными задачами является оценка клиничко – функциональных характеристик органа зрения в остром периоде COVID-19; обоснование системы анализа офтальмологических и иммуно - биохимических маркеров с помощью методов визуализации структур заднего отрезка глазного яблока, оценить послойно состояние ангиоархитектоники глазного яблока. Необходимо совершенствовать методы объективной оценки состояния органа зрения в остром периоде COVID-19, что будет способствовать раскрытию новых аспектов этиопатогенеза и патогенетически ориентированной тактики лечения.

В нашей стране ведётся комплекс мероприятий по развитию медицинской отрасли, адаптация её к мировым стандартам, снижение уровня офтальмологической патологии путём ранней диагностики. Определены такие задачи «...повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи населению, внедрение высокотехнологических методов диагностики и лечения, а также формирование системы медицинской стандартизации, пропаганда здорового образа жизни и профилактика заболеваний за счёт создания эффективных моделей службы патронажа и диспансеризации...»⁴. Исходя из выше изложенного разработка принципов ранней диагностики офтальмологической патологии при COVID-19, выбор оптимальной тактики

³ Ong S.W., Tan Y.K., Chia P.E., Air, surface environmental and personal protective equipment contamination by severe acute respiratory syndrome Coronavirus2//J.Am Med. Assoc.2020

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан №УП -5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года

лечения и профилактики данной категории больных является одной из важнейших задач современной медицины.

